

“Навоийуран”
давлат корхонасунинг
2023 йил «29 » ноябрь даги
351 - сон буйруғига
6-ИЛОВА

“Навоийуран” давлат корхонаси харид жараёнлари ва таъминот занжири самарадорлигини баҳолаш мезонлари (КРІ) түғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

Ушбу низом Корхона харид жараёнлари ва таъминот занжири самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик бўйича ҳисобланадиган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Харид самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда ХСМК деб юритилади) корхонанинг харид жараёнлари ва таъминот занжири самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

ХСМК рўйхати корхона ички буйруғи билан тасдиқланади.

ХСМКни ҳисоблашнинг даврийлиги ҳар чорақдан иборат бўлади ва корхонанинг ички буйруғи билан белгиланади.

II. Кўрсаткичларни ҳисоблаш

Корхона харид жараёнлари ва таъминот занжирининг узлуксиз ҳамда самарали ташкил этилишини, шунингдек жорий ҳолатини яхшилаш мақсадида қуидаги кўрсаткичлар таҳлили олиб борилади.

1. Корхона таркибий бўлинмаларининг эҳтиёжлари асосида шакллантирилган йиллик ва чораклик режажадвалларнинг амалга оширишдаги коэффицент ҳисоби:

Миқдорий кўрсаткич:

$$\text{Режа ўзгариши коэффиценти} = \frac{\sum_{i=1}^i |1 - \frac{Q(f)}{Q(p)}|}{i}$$

$Q(f)$ – амалда харид қилинган товар сони

$Q(p)$ – тасдиқланган режа-жадвал асосида харид қилиниши назарда тутилган товар сони

Қийматдаги кўрсаткич:

$$\text{Режа қиймати ўзгариш коэффиценти} = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{|S(f) - S(p)|}{S(p)} \times 100\%}{i}$$

$S_{(f)}$ – амалда харид қилинган товар қиймати (сүм)

$S_{(p)}$ – тасдиқланган режа-жадвал асосида харид қилиниши назарда тутилган товар қиймати (сүм)

$$\text{Режа-жадвалда назарда тутилмаганлар улуши} = \frac{\sum V(i)}{\sum S(f)} \times 100\%$$

$S_{(f)}$ – амалда харид қилинган товар қиймати (сүм)

$V_{(i)}$ – тасдиқланган режа-жадвалда назарда тутилмаган товар қиймати (сүм)

Мазкур кўрсаткичларнинг ҳисоби электрон тарзда товарлар ва таркибий бўлинмалар кесимида юритилиб, режа-жадвалларнинг ишлаб чиқилишида аниқликни оширишга хизмат қиласди.

2. Ташаббускор бўлинма сўровномаси асосида амалга оширилган харидлар ва товарларнинг ётказиб берилишидаги муддатлар ҳисоби:

$$\text{Ўртача харид жараёни муддати} = \frac{\sum_{i=1}^n (Pr(d) - MR(d))}{i} \text{ (кун)}$$

$Pr_{(d)}$ – шартнома имзоланган сана;

$MR_{(d)}$ – сўровнома санаси.

$$\text{Ўртача ётказиб бериш муддати} = \frac{\sum_{i=1}^n (DI(d) - Pr(d))}{i} \text{ (кун)}$$

$DI_{(d)}$ – товарларнинг ётказиб берилган санаси

$Pr_{(d)}$ – шартнома имзоланган сана;

Мазкур кўрсаткичлар электрон дастур томонидан автоматик тарзда юритилади.

3. Бошланғич нарх ва харид нархлари ўртасидаги фарқлар таҳлил кўрсаткичи:

$$E(i) = \frac{P(s) - P(f)}{P(s)} \times 100\%$$

$E(i)$ - бошланғич ва харид нархлари ўртасидаги фарқ нисбати;

$P_{(s)}$ – товарнинг бошланғич нархи;

$P_{(f)}$ – товарнинг харид нархи;

- 1) 10 фоиздан кам фарқланувчи харидлар улуши: $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(f)}(i) \text{ при } E(i) < 10\%}{i} \times 100\%$
- 2) 10-25 фоиз фарқланувчи харидлар улуши: $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(f)}(i) \text{ при } 10\% < E(i) < 25\%}{i} \times 100\%$
- 3) 25 фоиздан юқори фарқланувчи харидлар улуши: $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(f)}(i) \text{ при } E(i) > 25\%}{i} \times 100\%$

$\{E(i) < 10\%\}$ - 10 фоиздан кичиклар сони.

4. Харид жараёнлари ва таъминот занжири билан банд ходимлар юкламаси таҳлил кўрсаткичи:

1 FTE (full-time employee, тўлиқ вақтли ходим) = $\frac{\text{харидлар сони}}{\text{ходимлар сони}}$

Чорак ва йил давомида бир ходимга тўғри келадиган ўртача харидлар сони ҳисоби юритилади.

5. Харидларнинг рақобатли усулларининг (аукцион, танлаш ва тендер) умумий харидлардаги улуши:

Рақобатли харидлар улуши = $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(f)}(i) \text{ при } \text{аукцион+танлаш+тендер}}{\sum_{i=1}^i P_{(f)}(i)} \times 100\%$

Харидларнинг рақобатли усулларидан кенг фойдаланиш корхона харидлари самарадорлиги ошишига ва етказиб бериладиган товарнинг (иш, хизмат) сифати яхшиланишини таъминлашнинг мухим инструментлардан бири ҳисобланади.

6. Харидларнинг рақобатли усулларида иштирокчилар қатнашиш кўлами:

1 аукционда иштирокчилар сони = $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(t)}(a)}{i}$

1 танлашда иштирокчилар сони = $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(t)}(c)}{i}$

1 тендерда иштирокчилар сони = $\frac{\sum_{i=1}^i P_{(t)}(t)}{i}$

$P_{(a)}$ – корхона томонидан мувофақиятли ўтказилган аукционлардаги иштирокчилар сони;

$P_{(c)}$ – корхона томонидан мувофақиятли ўтказилган танлашлардаги иштирокчилар сони;

$Pt(t)$ – корхона томонидан мувофақиятли ўтказилган тендерлардаги иштирокчилар сони;

7. Бекор бўлған харидлар таҳлили:

$$\text{Натижалари бекор қилинган харидлар улуши} = \frac{Cc(q)}{\text{жами харидлар сони}} \times 100\%$$

$Cc(q)$ – бекор қилинган харидлар сони;

$$\text{Натижалари бекор қилинган харидлар улуши} = \frac{\sum Cc(s)}{\text{жами харидлар суммаси}} \times 100\%$$

$Cc(s)$ – бекор қилинган харидлар суммаси

Мазкур кўрсаткич орқали амалга ошган харидларни асоссиз бекор қилинишининг олдини олиш мақсадида таҳлили олиб борилиши назарда тутилмоқда.

III. Баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторинги

Харид самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари ҳар чорак якуни билан шакллантирилади ва монитронги юритилади.

Ушбу маълумотлар асосида Харидлар трансформацияси бўлими таҳлилий хulosалар ва харид жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

IV. Якунловчи қоидалар

Корхона фаолиятида ушбу Низом талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат Бош директорнинг тегишли ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг қўлланиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.